

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия Вазирлиги томонидан  
2015 йил “21” сентябр  
111 -сон билан  
қайта рўйхатга олинган



Ўзбекистон  
Ўзбекистон Мухандислар  
Федерациясининг  
2014 йил “10” декабрдаги  
01.-12.-14-сонли  
баённомаси билан  
таъдиқланган



## ЎЗБЕКИСТОН МУҲАНДИСЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИНING УСТАВИ

(янги таҳрир)

Тошкент – 2015

## **I. Умумий қондалар**

1.1. Ўзбекистон Мухандислар Федерацияси (бундан буён матида “Федерация” деб юритилади) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий асосда мазкур уставда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни биргаликда амалга ошириш учун тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмасидир.

1.2. Федерация ўз фаолиятида ихтиёрийлик, барча аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, ошкоралик ва қонунийлик тамойилларига асосланади.

1.3. Федерация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунларига, амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга асосан амалга оширади.

1.4. Федерация тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб юридик шахс мақомини олади ва мол-мулк, мустақил баланс, думалоқ муҳр, тамга, банк муассасаларида миллий ва чет эл валютасидаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

1.5. Федерация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.6. Федерациянинг тўлиқ номи:

Давлат тилида (лотин алифбосида): O'zbekiston muhandislar federatsiyasi;

(кирилл алифбосида): Ўзбекистон муҳандислар федерацияси;

рус тилида: Инженерная федерация Узбекистана;

инглиз тилида: Engineering federation of Uzbekistan.

1.7. Федерациянинг раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили): 100099, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 118-уй.

## **II. Федерациянинг асосий мақсади ва вазифалари, асосий фаолият турлари**

2.1. Федерациянинг асосий мақсади илмий-техник тараққиётни, фан ва техника ютуқларининг халқ хўжалигига жорий қилинишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

2.2. Федерация ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

республиканинг ишлаб чиқариш соҳаларида халқ хўжалиги вазифаларини ҳал қилишга қаратилган илмий-изланишлар, амалий ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш ҳамда илмий-техник дастурларнинг ҳолати, ривожланиш ва жорий қилиш тенденцияларининг таҳлилининг ўтказиш;

республика халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш соҳаларига, муҳандислик кучларини устувор йўналишларда жамлаган ҳолда, илмий-техникавий тараққиётни тезлаштиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш;

республиканинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга қаратилган устувор лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

самарали техник ва технологик гояларнинг энг муҳим манбалари бўлган қидирув тадқиқотларини олиб бориш;

ишлаб чиқаришни интенсификациялаш ва такомиллаштиришга қаратилган ишланмаларни бажариш, илмий тадқиқотлар натижаларидан халқ хўжалигида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

республикада экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бориш;

республика халқ хўжалигида ресурс тежайдиган технологиялар бўйича ишларни амалга ошириш;

республика, вилоят ва шаҳар ташкилотларининг буюртмалари бўйича халқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга қаратилган илмий-техник дастурлар ва йирик лойиҳаларнинг мустақил экспертизасини ўтказиш;

ишлаб чиқариш соҳаларида ихтирочилик фаолиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, кашфиётлар ва ихтиролар ахборот банкни яратиш ва уларни халқ хўжалигига жорий қилишга эришиш;

илгор техник ва технологик воситаларни узоқ ва яқин хориждан етказиб келтириш ва жорий қилиш бўйича ишлар олиб бориш;

илмий-техник муаммоларга бағишланган регионал, соҳа ва халқаро конгресслар, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш ва ўтказиш.

2.3. Федерация ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида:

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб боради, зарур ҳолларда эса молиялаштиради ҳамда улардан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш бўйича тегишли чора-тадбирларни қўллайди;

корхоналар ва ташкилотларнинг устувор ишланмаларини аниқлайди, уларнинг самарадорлик даражасини баҳолайди, халқ хўжалигида фойдаланиш мақсадида уларнинг бажарилишини ташкил қилади;

илмий-тадқиқот, конструкторлик-технологик ва вақтинчалик ижодий жамоалар, муаммовий лабораториялар, алоҳида муаммолар ва лойиҳаларни баҳолаш учун эксперт кенгашлар, шунингдек мулкчилик шаклидан катъий назар бошқа ташкилотларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил қилади ва ўз фаолият доирасига шартнома асосида киритади;

илғор техника намуналарининг яратилишини, уларнинг серияли ишлаб чиқарилишини тезлаштириш мақсадида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган кичик корхоналарни яратади;

илмий-техник ахборот алмашилишини ташкил қилади ва консултиватив хизматлар кўрсатади;

илмий-техник муаммолар ечимига йўналтирилган энг қобилиятли мутахассислар, ижодий жамоаларни аниқлаш бўйича танловлар ўтказади;

энг кўзга кўринган илмий-техник ишланмаларни рағбатлантириш учун махсус фондлар ташкил қилади, амалдаги фондлар ишида ишланмалар экспертизасида қатнашиш ва Федерация аъзоларини мукофотлаш учун тегишли таъсис бадалини киритиш йўли билан қатнашади;

ўз аъзолари учун Уставда белгиланган тартибда рўйхатга олинган кўкрак нишонини таъсис этади, шунингдек илғор ишланмалар учун мукофотлар ва атоқли мухандислар номидаги бошқа нишонларни белгилайди;

муассасалар, ташкилотлар, корхоналар ва алоҳида фуқаролар учун илмий, ўқув-методик адабиёт, маълумотномалар ва реклама материалларини нашр қилади;

ўз вазифаларини бажариш мақсадида ўзининг хўжалик ҳисобидаги тузилмалари орқали ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади;

танловлар, кўргазмалар ташкил қилиш орқали Федерация фаолиятининг ижодий йўналишларининг кенг тарғиботи ва рекламасини амалга оширади.

2.4. Федерация куйидаги йўналишлардаги хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди:

турли миллий ва чет эл ташкилотлари билан тўғридан-тўғри алоқаларни амалга ошириш, шунингдек уларнинг ишида қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотларининг хорижий ташкилотлар ва корхоналар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик шаклларини, шу жумладан тажриба орттириш, ижодий сафарлар ва ҳ.к. кўринишдаги шаклларини ривожлантириш.

2.5. Шуғулланиш учун махсус рухсатнома ёки лицензиялар талаб этиладиган фаолият турларини Федерация фақатгина тегишли рухсатнома ёки лицензияни олгандан сўнг амалга оширади.

### **III. Федерациянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

3.1. Федерация куйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва уларнинг фаолиятига маблағ ажратиш, ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан мажлислар, конференциялар ўтказиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳудудий бўлинмалар, ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш;

ҳалқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириш, улар билан тўғридан-тўғри ҳалқаро алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиш;

Федерация қошида қонунда белгиланган тартибда ташкил қилинадиган мустиқил юридик мақомга эга бўлган қўшма корхоналар, кичик корхоналар ва бошқа тузилмавий бўлиналар орқали ишлаб чиқариш-хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

### 3.2. Федерация:

қонун ҳужжатларига риоя этиши;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;

нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаетган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;

рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт.

## **IV. Федерациянинг мол-мулки ва пул маблағлари ҳамда уларни шакллантириш манбалари**

4.1. Федерация амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу уставда кўзда тутилган мақсадларни таъминлаш учун уставда кўрсатилган фаолиятларини амалга ошириш натижасида орттирилган ер участкалари, бинолар, иншоотлар, турар-жойлар, транспорт воситалари, ускуналар, жихозлар, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ҳамда бошқа номоддий бойликларга эга бўлиши мумкин.

4.2. Федерациянинг мол-мулкани шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

кириш ва аъзолик бадаллари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий равишда берган ҳомийлик маблағлари ва мулклари;

уставга асосан семинарлар, маърузалар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ўтказишдан тушган маблағлар;

Федерация таркибида тузилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятларидан тушадиган даромадлар;

қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

4.3. Федерация ўз фаолиятини молиялаштириш учун бошқа нодавлат нотижорат (шу жумладан халқаро) ташкилотлардан, банк кредитлари, бошқа кредит муассасалари маблағларидан ва шартномага асосан корхоналарнинг қарз (заём) маблағларидан фойдаланиши мумкин.

4.4. Федерация қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджет ва бошқа бюджетдан ташқари фондларга тўловлар тўлайди, шунингдек имтиёزلардан белгиланган тартибда фойдаланади.

## **V. Федерация аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

5.1. Федерацияга 18 ёшга тўлган жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек юридик шахсларнинг меҳнат жамоалари аъзо бўлиши мумкин.

Аъзоликка қабул қилиш жисмоний шахслар учун жисмоний шахснинг аризасига асосан, меҳнат жамоалари учун жамоа аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосан вакилларнинг берган аризасига кўра, Федерация аъзоларининг умумий мажлиси қарори асосида оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.2. Федерация аъзоларининг ҳуқуқлари тенг бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Федерациянинг бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;

Федерациянинг фаолиятида ва ўтказиладиган тадбирларида иштирок этиш;

Федерацияга ёрдам сўраб мурожаат қилиш;

Федерациянинг раҳбар органлари қарорлари қабул қилинишида уставда белгиланган тартибда иштирок этиш;

Федерация фаолиятига тегишли ҳар қандай маълумот билан танишиш;

Федерациянинг бошқарув органига унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

Федерация аъзолигидан чиқиш.

5.3. Федерация аъзоларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

Федерация уставига риоя этиш ва Федерация раҳбар органларининг устав доирасида қабул қилган қарорларига амал қилиш;

Федерациянинг фаолиятига кўмаклашиш ва фаол иштирок этиш.

5.4. Аъзолар ушбу устав бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда Федерация аъзоларининг умумий мажлиси қарорига асосан Федерация аъзолигидан чиқарилишлари мумкин.

## **VI. Федерациянинг тузилмаси ва раҳбар органлари хамда уларнинг ваколатлари**

6.1. Федерациянинг раҳбар органлари қуйидагилардан иборат:

- Федерация аъзоларининг умумий мажлиси;
- Федерация Президиуми;
- Федерация Президенти.
- Федерация Ижрочи Дирекцияси;

6.2. Федерациянинг юқори раҳбар органи Федерация аъзоларининг умумий мажлиси (бундан буён матнда – умумий мажлис деб юритилади) ҳисобланади. Умумий мажлис беш йилда камида бир марта чақирилади.

Умумий мажлисни ўтказиш жойи ва вақти Федерация Президиуми томонидан белгиланади ва Федерация аъзоларига бир ой олдин хабар қилинади.

6.3. Умумий мажлисда Федерация аъзолари ёки улар вакилларининг ярмидан ортиғи иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

6.4. Умумий мажлиснинг ваколатларига қуйидагилар киради:

Федерация Президиумининг аъзоларининг сонини белгилаш ва ушбу миқдорда 5 йилга сайлаш, Федерация Президентини 5 йил муддатга сайлаш, зарурат бўлганда уларни лавозимидан озод қилиш;

Федерацияни тугатиш ёки қайта ташкил қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Федерацияни уставини қабул қилиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

Назорат тафтиш комиссияси аъзоларини 5 йил муддатга сайлаш;

Федерация Ижрочи директори, Федерация Президенти ва назорат тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини тинглаш ва тасдиқлаш;

Филиал ва ваколатхоналарни ташкил этиш.

Юқоридаги масалалар бўйича Умумий мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг 2/3 қисми овоз берган тақдирда қарор қабул қилинган ҳисобланади.

6.5. Умумий мажлислар орасида Федерацияга раҳбарликни қайта сайланиш ҳуқуқи билан беш йил муддатга сайланадиган Федерация

Президиуми амалга оширади. У Федерациянинг барча фаолиятига раҳбарлик қилади ва Умумий мажлиснинг ваколатига қирмайдиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

6.6. Федерация Президиуми мажлиси заруратга қараб, аммо бир йилда камида бир марта чақирилади. Федерация Президиуми мажлисида аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этган тақдирда у ваколатли ҳисобланади. Қарор оддий купчиликнинг овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

6.7. Федерация Президиуми:

амалдаги қонун ҳужжатларга ва ушбу уставга мувофиқ ҳўжалик субъектларини ташкил қилади ва уларнинг устидан назорат олиб боради;

умумий мажлис қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

умумий мажлисни чақирилади, уни ўтказиш вақти ва жойини белгилайди;

Федерациянинг штатлар жадвалини, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорини, харажатлар сметасини белгилайди;

ҳудудий бўлинмалар тўғрисида низомларни тасдиқлайди, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Федерация директори ва директор ўринбосарини 5 йил муддатга сайлайди;

Федерация рамзини тасдиқлайди;

Федерациянинг устав фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни ҳал қилади.

6.8. Умумий мажлис ва Федерация Президиумига Федерация Президенти раҳбарлик қилади. Федерация Президенти қайта янги муддатга сайланиш ҳуқуқи билан умумий мажлис томонидан беш йил муддатга сайланади.

Федерация Президентининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

умумий мажлис ва Президиум мажлисларига раҳбарлик қилиш;

умумий мажлис ва Президиум мажлисларига масалалар тайёрлаш;

Федерация фаолияти устидан умумий назоратни амалга ошириш;

Федерация фаолиятига берилган ваколати доирасида раҳбарлик қилиш ва Федерация номидан ишончномасиз давлат органлари, жамоат, хорижий ташкилотларда вакил сифатида қатнашиш ҳамда юридик ва жисмоний шахслар билан битимлар тузиш ;

Федерация маблағлари ва мулкани белгиланган тартибда бошқариш;

турли битим, шартнома ва молиявий ҳужжатларни имзолаш, ишонч қоғозларини бериш, Федерация номидан ҳаракат қилиш;

Федерация номидан буйруқ, йўриқнома ва бошқа ҳужжатларини имзолаш.

6.9. Федерациянинг ижроия органи Директор ҳисобланиб, у Федерациянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади.

Федерациянинг директори:

давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар билан бўлган муносабатларда Президент номидан берилган ишончнома орқали Федерация номидан вакиллик қилади;

ходимлар ўртасида хизмат вазифаларини тақсимлайди, уларнинг ваколатларини белгилайди ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди;

ходимларнинг иш тартиби ва дам олишни йўлга қўяди, қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ уларни ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини қўради;

умумий мажлис ва Федерация Президиуми қарорларининг бажарилишини таминлайди;

бошқа раҳбар органларнинг ваколатларига киритилмаган бошқа масалаларни ҳал қилади.

6.10. Федерациянинг директор ўринбосари директор йўқлигида унинг вазифаларини бажаради.

6.11. Назорат тафтиш комиссияси Федерациянинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиб бориш учун беш йил муддатга, уч аъзодан иборат таркибда Умумий мажлис томонидан сайланади ва унинг олдида ҳисоб беради. Назорат тафтиш комиссияси ўз аъзолари таркибидан раис сайлайди.

6.12. Федерация назорат тафтиш комиссияси аъзоси Федерациянинг бошқа раҳбар органларига сайлана олмайди.

6.13. Назорат тафтиш комиссияси бир йилда камида бир марта Федерациянинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширади ва Федерация Президиуми ва умумий мажлис олдида ҳисоб беради. Умумий мажлис қарорига мувофиқ Федерациянинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш учун шартнома асосида мустақил аудиторлик ташкилотлари ҳам жалб қилиниши мумкин.

## **VII. Федерациянинг алоҳида бўлинмалари ва уларнинг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари**

7.1. Федерация аъзоларининг Умумий мажлиси қарорига асосан қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда Федерацияни алоҳида бўлинмалари

(ваколатхона ва филиал) камида учта ҳудудий субъектларда ташкил қилинади ва/ёки тугатилади.

Бўлинмалар ушбу Устав ҳамда ҳудудий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар асосида ўз фаолиятини олиб боради.

7.2. Муайян ҳудудларда фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланадиган Федерацияни алоҳида бўлинмалари тегишли адлия бошқармаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади.

7.3. Муайян ҳудудларда фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс деб ҳисобланмаган Федерацияни алоҳида бўлинмалари тегишли адлия бошқармалари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга қўйилади.

7.4. Федерация алоҳида бўлинмаларининг фаолиятини ва вазифаларини амалга оширишни таъминлаш учун ўзи белгилаган тартибда маблағ ажратади, мол-мулк билан ва қонунда тақиқланмаган бошқа барча йўллар билан таъминлайди.

7.5. Алоҳида бўлинмаларни директорлари Федерация Президенти томонидан тайинланади. Алоҳида бўлинмаларни бошқарувчилари ишончнома асосида ҳаракат қилади, юридик шахс мақомига эга алоҳида бўлинмаларнинг бошлиқлари бундан истисно.

7.6. Федерация алоҳида бўлинмаларга нисбатан қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мазкур низомда белгилаган талабларни бажаришни талаб қилиш;  
алоҳида бўлинмаларни фаолиятини истаган вақтда текшириш (ревизия);

мажбурий ижро учун кўрсатма бериш;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

7.7. Алоҳида бўлинмалар:

Федерациянинг талабларини бажаради;  
Федерацияни манфаатларини ифодалайди ва уларни ҳимоя қилади;  
юридик шахс мақомига эга бўлган тақдирда Федерациянинг вазифаларини бажаради;

берилган мол-мулк, пул-маблағлари ва бошқаларни белгиланган мақсадлар учун ишлатади;

Федерацияга амалга оширилган ишлар юзасидан йиллик ҳисобот беради;

Федерацияни ривожлантириш мақсадида таклифлар беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бажаради.

7.8. Федерациянинг алоҳида бўлинмалари билан муносабатлари, таркибий бўлинмаларни тузиш, ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари мазкур Устав ва ҳудудий бўлинмалар тўғрисидаги Низомлар билан тартибга солинади.

### **VIII. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

8.1. Мазкур уставга киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар Федерация аъзоларининг Умумий мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ федерацияни ўзини давлат рўйхатидан утказилган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

### **IX. Федерацияни қайта ташкил қилиш ва фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби**

9.1. Федерацияни қайта ташкил этиш Федерация аъзоларининг Умумий мажлиси қарорига асосан қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

9.2. Федерация қайта ташкил қилиниши билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда Федерациянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий ворисига ўтади.

9.3. Қайта ташкил қилинган ташкилот амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

9.4. Федерация фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

### **X. Федерацияни тугатиш тартиби**

10.1. Федерацияни тугатиш Федерация аъзоларининг Умумий мажлисининг қарорига асосан ёки суд тартибида амалга оширилади.

10.2. Тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг Федерацияни тугатиш тўғрисида қарор қилган орган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

10.3. Федерацияни тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

10.9. Федерация тугатилганда кредиторларнинг талаблари кондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот катнашчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органларнинг аъзолари ёки Федерация ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан устав мақсади йўлида ёки хайрия мақсадларида фойдаланилади.

10.10. Федерациянинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг Федерацияни тугатиш тамомланган, Федерациянинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

Федерация Президенти

Кабулов А.В.



